



REGISTERING ACCOUNTS DIRECTLY WITH TAX ORGANIZATIONS

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10071882>

Yangiboev H.A.

Independent researcher of the Fiscal Institute

ANNOTATION

In this article, the current situation, socio-economic importance, theoretical and legal basis of the organization of accounting of direct taxes in tax authorities are studied. Personal account information of direct taxpayers was analyzed and conclusions and suggestions for improvement were developed.

Keywords

tax authorities, taxpayer, program, personal account number, taxes, fees, legal entities, individuals, electronic data.

**БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРНИ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИДА ҲИСОБИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ**

Янгибоев Ҳ.А.

Фискал институт мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бевосита солиқларни солиқ органларида ҳисобини ташкил этишни амалдаги ҳолати, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, назарий-ҳуқуқий асослари ўрганилган. Бевосита солиқ тўловчилар шахсий ҳисобварағи маълумотлари таҳлил қилинган ҳамда такомиллаштиришга оид хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар

солиқ хизмати органлари, солиқ тўловчи, дастур, шахсий ҳисоб рақам, солиқлар, йиғимлар, юридик шахслар, жисмоний шахслар, электрон маълумотлар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье изучено современное состояние, социально-экономическое значение, теоретические и правовые основы организации учета прямых налогов в налоговых органах. Проанализированы данные лицевых счетов прямых налогоплательщиков, разработаны выводы и предложения по улучшению.

Ключевые слова

налоговые органы, налогоплательщик, программа, номер лицевого счета, налоги, сборы, юридические лица, физические лица, электронные данные.



1. Кириш.

Солиқ хизмати органларида бюджет маблағлари бошқарилиши ва бюджет ҳисоби юритилиши махсус автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлар воситасида доимий мониторинг қилиниб борилаётганда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан охиб кетмаслигини таъминлаш белгиланган.

Солиқ органлари Солиқ кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет тизими бюджетларига солиқлар ва йиғимлар, шунингдек фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоялаш, солиқ органларини ривожлантириш ва қутулмаган харажатлар махсус жамғармасига тушумлар ҳисобини юритади

2. Адабиётлар шарҳи.

“Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағини юритиш тартиби” тўғрисидаги Низоми¹, “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси тўғрисидаги”², “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси тўғрисидаги”³, “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси тўғрисидаги”⁴, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги”⁵, “Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги”⁶, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”⁷, “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги”, “Ахборотлаштириш тўғрисидаги”⁸, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги”⁹ қонунлари ва

¹ Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағини юритиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ. Солиқ қўмитасининг 2020 йил 15 июндаги 143-сонли буйруқ.

² Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 30-декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган. (янги таҳрири).

³ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2013-йил 26-декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни билан тасдиқланган.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси Ўзбекистон Республикасининг 1995-йил 21-декабрдаги 163-И-сон ҳамда 1996-йил 29-августдаги 256-И-сон Қонунлар билан тасдиқланган.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1997-йил 29-августдаги 471-И-сон Қонуни билан тасдиқланган.

⁶ Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404-сон Қонуни билан тасдиқланган. (янги таҳрири).

⁷ Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 02-декабрдаги 702-И-сон Қонуни билан тасдиқланган.

⁸ Ахборотлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2003-йил 11-декабрдаги 560-И-сон Қонуни билан тасдиқланган.

⁹ Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 29-апрелдаги 611-И-сон Қонуни билан тасдиқланган.



бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағида бюджет тизими бюджетларига солиқлар ва йиғимлар, шунингдек, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари ҳамда Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоялаш, солиқ органларини ривожлантириш ва қутилмаган харажатлар махсус жамғармасига тўловларнинг тезкор ҳисобини юритиш билан бирга солиқ органларининг функционал бўлинмалари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тартибини белгилайди.

Солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағи бу (шахсий ҳисобварағи бундан кейинги матнларда ШХ деб юритилади) – Солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тегишли дастурий маҳсулот орқали солиқ тўловчининг солиқлар ва йиғимлар турлари бўйича муайян маъмурий-ҳудудий бирликка нисбатан мавжуд мажбуриятларини бажарилиши юзасидан ҳисобланган ҳамда тўланган солиқлар ва йиғимлар суммаларини, шунингдек пенялар ва жарималарни акс эттирган ҳолда бюджет тизимига тушумлар ҳисобини электрон шаклда юритадиган ҳужжати ҳисобланади. Солиштирма далолатнома – бу солиқ тўловчининг мажбуриятлари бажарилиши юзасидан маълумотларни тегишли солиқ органи билан икки томонлама солиштириб қоғоз ёки электрон шаклда, имзо ва муҳр (агар мавжуд бўлса) ёхуд электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжатдир.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси (пеня, жарима) – бу солиқнинг (пенянинг, жариманинг) тўланган суммаси билан ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган суммаси ўртасидаги ижобий фарқи. Солиқнинг (пенянинг, жариманинг) ортиқча тўланган суммаси у илгари ҳисобга олинган ва (ёки) солиқ тўловчига қайтарилган суммаларни, шунингдек солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказиладиган суммаларни ҳисобга олган ҳолда уни ҳисоб-китоб қилиш санасида аниқланади. Ортиқча ундирилган солиқ суммаси – бу солиқ органларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида ортиқча тўланган солиқ суммаси ҳисобланади.

Хатолик билан тўланган солиқ (пеня, жарима) суммаси – бу солиқ (пеня, жарима) суммасини тўлаган шахсни ва (ёки) ушбу тўловнинг мақсадини қатъий аниқлаш имкониятини бермайдиган тўлов чоғида хатоликка йўл қўйилган солиқ (пеня, жарима) суммаси. Қайси солиққа (пеняга, жаримага) нисбатан уни тўлаган шахс солиқ тўловчи деб ҳисобланмайдиган шахсдан ёки тўланиши лозим бўлган бюджетдан бошқа бюджетга келиб тушган солиқ (пеня, жарима) суммаси ҳам хатолик билан тўланган деб эътироф этилади;



Умидсиз қарз – бу суд қарори билан мажбуриятнинг бекор қилиниши туфайли ёхуд банкротлик, тугатиш, қарздорнинг вафоти ёки даъво муддати тугаши сабабли тўланиши мумкин бўлмаган қарз ҳисобланади.

1-жадвалда солиқ тўловчининг ШХда акс эттириладиган маълумотлари келтирилган

1-жадвал

Солиқ тўловчининг ШХда акс эттириладиган маълумотлари¹⁰.

Солиқ тўловчининг ШХда солиқ тўловчи ҳақида куйидаги маълумотлар акс эттирилади:	Солиқ тўловчининг ШХда қуйидаги суммалар акс эттирилади:
солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР)	солиқ тўловчининг солиқ ҳисоботи, шу жумладан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи ва текширишлар натижаси бўйича ҳисобланган (камайтиришга ҳисобланган) суммалар;
солиқ тўловчининг қисқартирилган номи;	тўланган (ундирилган) суммалар;
солиқлар ва йиғимлар турлари номи (шартли рақами);	солиқ қарзи ва (ёки) ортикча тўлов суммалари;
бюджет таснифи асосида бюджет тизими даромадларини шакллантирадиган солиқлар ва йиғимлар шахсий ғазна ҳисобварағи;	қайтарилган ёки амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда солиқлар ва йиғимларнинг бир туридан ортикча ва (ёки) хатолик билан тўланган ҳамда бошқа солиқ турига (қарзига ёки келгуси тўловларига) ҳисобга олинган суммалар;
солиқ тўловчининг ташкилий ҳуқуқий шакли;	тўлаш муддати ўзгартирилган солиқлар ва йиғимлар суммалари;
солиқ тўловчининг юқори ташкилоти;	ҳисобдан чиқарилган ва алоҳида ҳисоби юритиладиган суммалар;
солиқ тўловчининг юридик манзили, ҳолати ва мавқеи.	ҳисобланган пеня ва бошқа молиявий санкциялар.

Wefoins дастурий маҳсулоти – бу электрон солиқ ҳисоботларини қабул қилиш дастурий маҳсулоти;

СИАИЖ-5 дастурий маҳсулоти – бу солиқ инспекторининг автоматлаштирилган иш жойи – 5 дастурий маҳсулоти.

Солиқ тўловчининг ШХни юритиш ҳуқуқи функционал вазифалар доирасидан келиб чиқиб, солиқ органи раҳбари (ўринбосари)нинг буйруғи асосида масъул ходимларга берилади. Маълумотлар базаси администратори этиб солиқ органи раҳбари (ўринбосари)нинг буйруғи билан Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича масъул ходим тайинланади. Бунда,

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.



Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича масъул ходим бўлмаган ҳудудий солиқ органларида мазкур вазифа солиқ органи буйруғи асосида Ҳисобни юритиш ва бюджет даромадларини прогнозлаштириш бўлимининг масъул ходимига юклатилади.

Хизмат вазифаси доирасида фойдаланиш учун солиқ тўловчининг ШХга маълумотларни фақатгина кўриш ҳуқуқи (киритиш ва ўзгартириш ҳуқуқисиз) солиқ органи раҳбари (ўринбосари)нинг расмий кўрсатмаси асосида тегишли масъул ходимга муддати кўрсатилган ҳолда берилиши мумкин. Солиқ тўловчининг ШХга маълумотларни киритиш ва уларни ўзгартириш ҳуқуқи берилган ходимга маълумотлар базаси администратори томонидан алоҳида “пароль” ёки электрон рақамли имзо (“пароль” ёки электрон рақамли имзо бундан кейинги матнларда пароль деб юритилади) берилиб, ушбу пароль асосида маълумотлар базасига кириб ишлашга рухсат берилади.

Солиқ тўловчининг ШХга маълумот киритиш ва уларни ўзгартириш ҳуқуқини берувчи паролни масъул ходим ва маълумотлар базаси администратори томонидан бошқа шахсларга ошқора қилиниши, шунингдек солиқ тўловчининг ШХга бошқа ходимнинг пароли билан маълумотлар киритиш ёки киритилган маълумотларни ўзгартириш (ўчириш) қатъиян тақиқланади. Давлат солиқ инспекцияси (давлат солиқ инспекцияси бундан кейинги матнларда ДСИ деб юритилади) бошлиғи (ўринбосари) буйруғига асосан Ҳисобни юритиш ва бюджет даромадларини прогнозлаштириш бўлими бошлиғи томонидан ноаниқликларни тўғрилаш мақсадида солиқ тўловчининг ШХга киритиладиган ўзгартиришлар бундан мустасно.

Масъул ходимга алоҳида берилган пароллар заруриятдан келиб чиқиб, ходимнинг ўзи томонидан ўзгартириб турилади ва ушбу киритилган ўзгартиришлар маълумотлар базасида сақланиб борилади.

Солиқ кўмитасининг маълумотлар базасида паролларни кайд қилиш электрон журнали дастурий маҳсулотда юритилади. Электрон журналда ҳар бир ходим тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва шарифи, лавозими, иш жойи) ва унинг амалдаги пароли автоматик тарзда кайд қилиниб борилади. Электрон журналдаги маълумотлар шифрланади ҳамда шифрланган маълумотлар билан ишлаш ва назорат қилиш Солиқ кўмитасининг маълумотлар базаси администраторига рухсат этилади.

Ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилганда ёки бошқа лавозимга ўтганда Кадрлар билан ишлаш бошқармаси ва унинг қуйи тузилмалари томонидан бир кун муддатда Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси ва унинг қуйи тузилмаларига буйруқ нусхаси тақдим этилади.



Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармасига ёки унинг қуйи тузилмаларига ходимнинг бўйруғи келиб тушган кундан унинг вазифасига қараб паролига қўшимча ҳуқуқ (фойдаланиш учун рухсат) берилади ёки бекор қилинади.

Солиқ тўловчининг ШХда амалга оширилган ҳар бир операция ва уни амалга оширган масъул ходимнинг фамилияси, исми, шарифи, санаси ва вақти дастурий маҳсулот томонидан электрон журналда қайд этиб борилади. Ҳар бир операциянинг эски ҳолати кейинчалик аниқлик киритиш мақсадида ва назоратини таъминлаш учун автоматик тарзда сақланиб қолинади. Дастурда амалга оширилган ҳисобга олинган ҳар бир операцияни бекор қилган масъул ходимнинг фамилияси, исми, шарифи, санаси ва вақти дастурий маҳсулот томонидан электрон журналда қайд этиб борилади.

Солиқ тўловчининг ШХга киритиладиган маълумотларнинг асос ҳужжатлари солиқ қонунчилигида белгиланган иш юритиш ҳужжатлар жилдида (номенклатура) тегишли муддатгача сақланади. Ҳужжатлар жилди кўрсатилган муддат тугагандан сўнг ўрнатилган тартибда солиқ органи архивига топширилади.

Бунда, солиқ тўловчининг ШХга солиқ органига масъул ходими томонидан қўлда киритилган маълумотлар (суммалар) бўйича асос ҳужжатлари назарда тутилган.

Бевосита солиқларни солиқ органларида ҳисобини ташкил этиш

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, бевосита солиқларни солиқ органларида ҳисобини ташкил этиш амалдаги ҳолатини назарий-ҳуқуқий асослари методологиясини иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Бевосита солиқларнинг солиқ органларида ҳисобини ташкил этиш умумлаштирилди.

Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш усуллардан фойдаланилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Солиқ тўловчининг ШХга киритиладиган ҳужжатлар бўйича иш юритиш ҳужжатлар жилдида қуйидаги ҳужжатлари сақланади:

- 1) солиқлар ва йиғимлар бўйича солиқ тўловчининг солиштирма далолатномаси ҳамда солиқ тўловчининг ШХдан кўчирма;
- 2) молия (ғазначилик) идораси, банк муассасаси ва бошқа ваколатли ташкилотлардан олинган, бюджет таснифи бўйича амалга оширилган ғазначилик ва банк операцияларининг тўлов ҳужжатлари ҳамда банк кўчирмалари, шунингдек тўлов реестрлари;

3) ортиқча тўланган ва (ёки) хатолик билан тўланган суммаларни ҳисобга олинганлиги ва (ёки) қайтарилганлиги (солиқ ўрни қопланганлиги) бўйича ҳужжатларнинг асл (имзоланган ва муҳрланган) нусхалари;

4) солиқ тўловчининг ШХни бошқа туман (шаҳар) солиқ органига жўнатиш ва қабул қилиш юзасидан ҳужжатлар;

5) солиқлар ва йиғимларни мажбурий ундириш бўйича ҳужжатлар;

6) солиқлар ва йиғимлар бўйича солиқ мажбуриятларини бажаришда тўлаш муддатларини ўзгартирилиши (солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз суммалари, шу жумладан улар бўйича кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш суммалари) юзасидан ҳужжатлар;

7) солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари тўхтатилганлиги (пеня ҳисоблашни тўхтатиш) тўғрисида ҳужжатлар;

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар ўрнатилган тартибда электрон ҳисобда ёки иш юритиш жилдларида юритилади.

Молия йили тугаши билан солиқ тўловчининг ШХ бўйича қолдиқ суммаларни кейинги йилга ўтказиш, маълумотлар базасини архивлаш ва сақлаш Солиқ кўмитаси томонидан амалга оширилади.

Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар учун ШХни очиш ва юритиш тартиби, солиқ тўловчининг ШХ амалдаги солиқ қонунчилигига асосан солиқ тўловчининг мажбуриятларидан келиб чиқиб, солиқ органлари томонидан ҳар бир солиқлар ва йиғимларнинг тури, шунингдек фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари ҳамда Солиқ кўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоялаш, солиқ органларини ривожлантириш ва қутилмаган харажатлар махсус жамғармасига ажратмалар бўйича алоҳида очилади ва юритилади.

Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар солиқ органларида ҳисобга қўйилиши (давлат рўйхатидан ўтган жойдан ташқарида солиқ тўловчининг объектлари бўйича ҳисобга олинган ёки “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12, 14 ва 15-моддаларида белгиланган пенсия тўлови мажбурияти пайдо бўлган солиқ тўловчилар бундан мустасно) билан бир вақтда қуйидаги тўлов турлари бўйича солиқ тўловчининг ШХ автоматлаштирилган тартибда очилади:

1) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

2) ижтимоий солиқ;

3) фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари;

4) белгиланган муддатида тўланмаган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари бўйича ҳисобланадиган пеня;



5) Солиқ кўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоялаш, солиқ органларини ривожлантириш ва кутилмаган харажатлар махсус жамғармасига ажратмалар.

Бунда, солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳисобот бўйича ШХ автоматик тарзда ҳамда солиқ текшируви, суд қарорига асосан юзага келган солиқ мажбурияти ва амалга оширилган тўловларга асосан масъул ходим томонидан ШХ очилади. Маълумотлар базасидаги барча солиқ тўловчиларнинг ўтган ҳисобот йили охиридаги қолдиқ суммаларини жорий йилга кўчириб ўтказиш жараёнида дастурий маҳсулот орқали жорий йил учун ШХ автоматик тарзда очилади.

Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ШХни очиш учун асос бўлиб солиқ тўловчи томонидан ДСИга солиқ мажбуриятлари бўйича тақдим этилган солиқ ҳисоботлари, солиқ текширувлари натижаларида солиқлар ва йиғимлар турлари бўйича қўшимча (камайтиришга) ҳисобланган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотлар ва (ёки) солиқ тўловчи томонидан солиқлар ва йиғимлар тўланганлигини тасдиқловчи электрон шаклдаги ғазначилик маълумотлари (хатолик билан тўланган солиқ (пеня, жарима) суммаси бундан мустасно) ҳисобланади. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12, 14 ва 15-моддаларида белгиланган пенсия тўлови мажбурияти пайдо бўлган солиқ тўловчиларга Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси ва Солиқ кўмитаси ўртасида маълумот алмашиш тартибига асосан солиқ тўловчининг мажбуриятлари бўйича қабул қилинган электрон маълумотлар асосида автоматлаштирилган тарзда ШХ очилади.

Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ШХни юритишда қуйидаги маълумотлар киритилади:

1) солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва йиғимлар бўйича тақдим этган солиқ ҳисоботлари асосидаги маълумотлар;

2) солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва йиғимлар бўйича тақдим этган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари асосидаги маълумотлар;

3) қонун ҳужжатлари ҳамда ваколатли органлар қарорлари асосида айрим солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва йиғимлар бўйича тўлаш муддатини ўзгартириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, ҳисобдан чиқариш, пеня ҳисобланишини тўхтатиш тўғрисидаги маълумотлар;

4) бюджет тизимида тўланган (ундирилган) солиқлар ва йиғимлар бўйича маълумотлар;

5) қайтарилган ёки ҳисобга олинган ортиқча тўловлар ва фоизлар;

6) солиқ текшируви натижасида кўшимча (камайтиришга) ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар, қўлланилган молиявий санкциялар ҳамда ҳисобланган (камайтиришга ҳисобланган) пеня суммалари тўғрисидаги маълумотлар;

7) қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар.

Солиқ кодексининг 82-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 29 июлда 1500-сон билан рўйхатга олинган “Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом ҳамда Солиқ кўмитасининг 2019 йил 7 августдаги “Худудий давлат солиқ инспекциялари таркибий тузилмаларининг вазифалар классификаторини тасдиқлаш тўғрисида”ги 202-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқиб, Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими солиқлар ва йиғимлар бўйича солиқ ҳисоботларини қабул қилиб олади (“Wefoins” дастурий маҳсулоти орқали автоматик қабул қилинган электрон ҳисоботлар бундан мустасно) ва маълумотлар базасига киритилишини ҳамда солиқ тўловчининг ШХга ҳисоблашга берилишини таъминлайди.

Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ва якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ ҳисоботини ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шакллар бўйича электрон ҳужжат тарзида тақдим этади. Йирик солиқ тўловчилар, жойлашган еридан катъий назар, солиқ ҳисоботини Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига тақдим этади. Юридик шахс бўлган солиқ тўловчи томонидан тўланган ёки солиқ органлари томонидан ундирилган (ҳисобга олинган, қайтарилган) солиқлар ва йиғимлар бўйича тўловлар тўғрисидаги ёзув солиқ тўловчининг ШХга ғазначилиқдан реал вақт режимида Солиқ кўмитасига электрон кўринишда реестр маълумотлари асосида акс эттирилади. Бунда;

1) солиқ тўловчининг тўлов ҳужжатлари (тўлов топшириқномалари)даги маълумотларни камраб олувчи электрон реестр;

2) солиқ органларининг мажбурий ундирув бўйича инкассо топшириқномалари ва банк мемориал ордерлари маълумотларни камраб олувчи электрон реестр;

3) ортиқча тўланган (ундирилган) ва **хатолик билан тўланган солиқ (пеня, жарима) суммаларини** солиқлар ва йиғимлар бўйича солиқ қарзи ҳисобига ҳисобга олиш ёки солиқ тўловчига қайтариш тўғрисидаги солиқ органи томонидан берилган хулосаларига асосан ғазначилиқ томонидан ижро этилганлиги ҳақида юборилган электрон реестрлар.

Давлат солиқ хизмати органларида инновациява ахборот коммуникация технологиялари ривожланитир тарихига қарайдиган бўлса 2009-2011 йилларда телекоммуникацион-тармоқлари модернизация қилинди ҳамда бошқарув жараёнларини автоматлаштириши тизимини жорий қилди. 2012-2014 йилларда эса маълумотлар базасини қайта ишлар марказини ташкил этилди шунингдек ягона интеграциялашган ахборот базасини ташкил этди, ҳамда идоралараро электрон маълумот алмашилишга ўтиш тизимини амалиётга жорий этди.

2015-2017 йилларда давлат солиқ хизмати органларининг "Электрон солиқ хизматлари" my.soliq.uz портали яратилди бундан ташқари видеоконференция ўтказиши мақсадида ягона тизимини жорий этилди. 2018-2022 йилларда Давлат солиқ органларининг маълумотларни қайта ишлаш маркази модернизация қилинди, бундан ташқари онлайн НКМ ва Bigdata тизими жорий этилди, иқтисодиётнинг реал сектори соҳасидаги лойиҳалар ишлаб чиқилди ҳамда электрон ҳисобварақ-фактура, кешбек ва солиқ ҳамкор дастурини амалиётга қўллаш учун жорий қилинди.

1-расмда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг ахборат коммуникация технологиялари архитектураси келтирилган





1- расм Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасида ахборот коммуникация технологиялари архитектураси¹¹

Давлат солиқ хизмати органларининг "Электрон солиқ хизматлари" my.soliq.uz порталига тўхталадиган бўлсак бу порталда 46 та электрон хизматлари мавжуд бўлиб 2022 йил давомида жами 8,7 млн. та фойдаланувчиларга 100,3 млн. мартаба хизмат кўрсатилган бўлса, 2022 йилда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали 10,1 млн.га яқин солиқ ҳисоботлари электрон тарзда юборилиб, 221,9 млрд. сўмлик солиқлар онлайн тўланган.

2023 йилнинг 6 ой ичида 1 фоиз тўловни қайтариш амалиёти (кешбек) билан мобил иловаси орқали 2 миллионга яқин истеъмолчиларга 579.5 млрд сўм тўлаб берилган.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қиладиган бўлсак, бевосита солиқларни солиқ органларида ҳисобини ташкил этиш бу бевосита солиқ турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига тушумлари тўлиқ ва тартибли равишда йиғишдан иборатдир.

1. Айланмадан олинадиган солиқ тўловчи субъектлар нақд пулсиз шаклда амалга оширилган ҳисоб-китоблар бўйича банк ҳисоб рақамларига келиб тушган тушум суммасидан 4 фоизи миқдорида бўнак тўловларини тўлаш керак деб ҳисоблаймиз бунда дорихоналар, 4 ва 5 тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари ҳамда қатъий белгиланган суммадаги солиқ ставкаси бўйича солиқ тўлашга ўтганлардан ташқари.

2. Айланмадан олинадиган солиқ тўловчи субъектлар қатъийга ўтган айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар олти ойга қадар товар айланмасини 1 млрд.сўмгача етказиб, бошқа корхона таркибига қўшилганда ёки тугатилганда товар айланмаси миқдоридан келиб чиқиб қатъий солиқ суммасини тўлиқ даврга ҳисоблаш керак деб ҳисоблаймиз.

3. Айланмадан олинадиган солиқ тўлаш ҳуқуқини сақлаб қолиш учун фаолият жойида худди шу фаолиятни амалга оширувчи бошқа солиқ тўловчи билан алмаштиришни ёхуд фаолиятни икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасида бўлишни амалга ошириш бизнесни бўлиш деб ҳисоблаш керак.

4. Сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтган фискал белгили чеклар асосида ҳақиқатда олинган даромадлар манбаидан келиб чиққан

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.



ҳолда (кэшбек тизимида йирик миқдордаги суммаларни рўйхатга олган ва расмий даромадлари рўйхатга олинган суммаларни дастурий маҳсул маълумотларига солиштириб) жисмоний шахсларнинг расмий даромадар манбаидан келиб чиқган ҳолда кэшбек суммасини жисмоний шахслар банк карталарига ўтказиш амалиётини жорий этиш лозим.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағини юритиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ. Солиқ кўмитасининг 2020 йил 15 июндаги 143-сонли буйруқ.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 30-декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган. (янги таҳрири).

3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2013-йил 26-декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни билан тасдиқланган.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси Ўзбекистон Республикасининг 1995-йил 21-декабрдаги 163-И-сон ҳамда 1996-йил 29-августдаги 256-И-сон Қонунлар билан тасдиқланган.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1997-йил 29-августдаги 471-И-сон Қонуни билан тасдиқланган.

6. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-404-сон Қонуни билан тасдиқланган. (янги таҳрири).

7. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 02-декабрдаги 702-И-сон Қонуни билан тасдиқланган.

8. Ахборотлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2003-йил 11-декабрдаги 560-И-сон Қонуни билан тасдиқланган.

9. Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 29-апрелдаги 611-И-сон Қонуни билан тасдиқланган.

10. Yangiboev Kh. (2021). Features of forming a direct taxation system at the modern stage. Journal of Hunan University (Natural Sciences) . Vol. 48. No. 11. (2021), pp. 1127-1135. <https://johuns.net/index.php/abstract/193.html>



11. X.Yangiboev. (2021). Ways To Collect Personal Income Tax And Reduce Tax Arrears. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI). Volume 12, Issue 9, August (2021) pp. 3770-3776
<https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/6382>

12. Yangiboev Kh. and others. (2021). The Role of Foreign Investment in Free Economic Zones and Their Necessity for the Country's Development. Design Engineering. ISSN: 0011-9342 | Year 2021 Issue: 8 | Pages: 10037-10049.